



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2025

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
мухандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори, в.б.профессор,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий
педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети


Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Тўхтабасев Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети


1. Юлдуз Эргашева ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ II МИРОВОЙ ВОЙНЫ.....	5
2. Nilufar Djurayeva O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING YANGI BOSQICHDA XOTIN-QIZLARGA MUNOSABAT MASALASIDAGI TUB ISLOHOTLARNING USTUVOR YO‘NALISHLARI..	13
3. Камола Саипова НАЦИОНАЛЬНО-ГОСУДАРСТВЕННОЕ РАЗМЕЖЕВАНИЕ И ЕГО ВОЗДЕЙСТВИЕ НА ФОРМИРОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО СОСТАВА УЗБЕКСКОЙ ССР.....	26
4. Отабек Алимардонов ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ТЎРТ КВАДРАНТИ (ЧОРАК) ПАРАДИГМАСИ: НАЗАРИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	34
5. Zilola Abdualimova SOVET PLAKATLARI TARG‘IBOT VOSITASI SIFATIDA (MIRZACHO‘LNI O‘ZLASHTIRISH MISOLIDA).....	45
6. Шерзод Бахранов ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ПАХТАЧИЛИК ИLMИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН.....	52
7. Abduvali Berdiyev SHARQIY TURKISTON BILAN SAVDO ALOQALARINING RIVOJLANISHIDA QO‘QON KARVON YO‘LLARINING O‘RNI VA ULARNING MINTAQAVIY IQTISODIYOTGA TA‘SIRI (18–19-ASRLAR).....	58
8. Икрамжон Исмаилов ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ МУАММО ҲАМДА ЎЗГАРИШЛАР (1991-2020 йй).....	69
9. Земфира Курбанова ЦИКЛЫ ПОМИНОВЕНИЯ В СЕМЕЙНЫХ ОБРЯДАХ КАРАКАЛПАКОВ И ИХ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИЕ ПАРАЛЛЕЛИ.....	80
10. Tamara Ro‘ziyeva MIRZO SIROJIDDIN HAKIMNING “TUHAFI AHLI BUHORO” ASARIDA TURKISTON JAMIYATI HAQIDA.....	87
11. Sarvinoz Toshmurodova MILLIY SPORT TIZIMI VA OLIMPIYA HARAKATI: O‘ZBEKISTON TAJRIBASI.....	92
12. Elyor Hojamberdiyev TURON ARXELOGIYASINI O‘RGANISHDA YONDASHUV VA TADQIQOT USULLARI (ERON OLIMLARI MISOLIDA).....	99



Шерзод Таштурсунович Бахранов,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети,
Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий
ишлаш кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

For citation: Sherzod T. Bakhranov. FROM THE HISTORY OF THE FORMATION AND ACTIVITY OF THE SCIENTIFIC RESEARCH INSTITUTE OF COTTON PRODUCTION IN THE UZBEKISTAN SSR. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 7, pp.52-57

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.16755280>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Бутуниттифоқ институтига айланган пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг шаклланиши ва фаолиятининг қисқача тарихига бағишланган. Ушбу институтнинг мақсади бутун совет Иттифоқи бўйлаб пахтачилик соҳасидаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва йўналтириш эди. Институт пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини ошириш ва пахта етиштиришда янги технологияларни жорий етишга ўз ҳиссасини қўшган. Бу Ўрта Осиёдаги биринчи илмий тадқиқот институтиларидан бири бўлиб, пахта масалалари билан шуғулланадиган барча илмий ташкилотларни бирлаштирган.

Калит сўзлар: илмий-тадқиқот институти, станция, уруғчилик ишлари, толали навлар, тадқиқот, марказ, ходимлар, пахта, селекция, уруғчилик, лаборатория, ариқлар, хом ашё.

Шерзод Таштурсунович Бахранов,
доктор философии по историческим наукам (PhD), преподаватель
кафедры Военного патриотизма, духовно-просветительского
воспитания и социальной работы с молодежью
Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

ИЗ ИСТОРИИ СТАНОВЛЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА ХЛОПКОВОДСТВА В УЗБЕКСКОЙ ССР

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена краткой истории становления и деятельности научно-исследовательского института хлопководства, которая в дальнейшем стала Всесоюзным. В данной статье проведен анализ института, в частности координацию и направление

научных исследований в области хлопководства на территории всего Советского Союза. В статье обосновано, что институт способствовал увеличению производства хлопка, повышению его качества и внедрению новых технологий в хлопководстве, ставший одним из первых научно-исследовательских институтов в Средней Азии, объединивший все научные организации, занимающиеся проблемами хлопка.

Ключевые слова: научно-исследовательский институт, станция, посевные работы, сорта волокна, исследования, центр, персонал, хлопок, селекция, посев, лаборатория, сырье.

Sherzod T. Bakhranov,

Doctor of Philosophy in Historical Sciences (PhD), Lecturer
Departments of Military Patriotism, Spiritual and educational education
and Social work with Youth of the University of Public Security of the Republic of
Uzbekistan

FROM THE HISTORY OF THE FORMATION AND ACTIVITY OF THE SCIENTIFIC RESEARCH INSTITUTE OF COTTON PRODUCTION IN THE UZBEKISTAN SSR

ABSTRACT

This article is devoted to a brief history of the formation and activities of the Scientific Research Institute of Cotton Production, which later became an All-Union one. The purpose of this institute was to coordinate and direct scientific research in the field of cotton production throughout the Soviet Union. The Institute has contributed to increase cotton production, improving its quality and introducing new technologies in cotton production. It was one of the first scientific research institutes in Central Asia, bringing together all scientific organizations dealing with cotton issues.

Index Terms: research institute, station, sowing operations, fiber varieties, research, center, staff, cotton, breeding, sowing, laboratory, raw materials.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистоннинг совет иттифоқининг иқтисодий кудратини мустаҳкам-лашдаги асосий ўрни пахта етиштиришда бўлган. Пахта толаси мамлакат бўйлаб кийим-кечак учун турли-туман ип-газламалар, трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришдан ташқари, мамлакатнинг мудофа кудратига хизмат қиладиган брезент, парашют учун ишлатиладиган махсус газламалар, ҳаракатни бир механизмдан иккинчи механизмга кўчириш тасмалари, корд тайёрлаш учун ишлатиладиган турли-туман иплар, балиқ овлаш тўрлари, электр симларини ўраш учун ишлатиладиган буюмлар, оёқ кийими тайёрлаш учун ишлатиладиган махсус кирза газламалар ишлаб чиқаришда ишлатилган. Пахта кимё, қоғоз саноатида, саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам ишлатилган.

Пахтани тозалаш вақтида чиқадиган чиқитлардан яъни тивит ва гард чанглардан портловчи моддалар, пахмоқ одеяллар, қоғоз ва фотопленкалар, сунъий ипак, сув ўтмайдиган турли локлар ва бошқа жуда кўп турли – туман маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Чигитдан ёғ, совун, кунжара ишлаб чиқарилган. Чикинди тарикасида ҳосил бўладиган кунжара чорва моллари учун кучли озуқа бўлиши билан бирга жуда яхши ўғит ҳам бўлган. Чигит пўчоқдан спирт чиқарилган, чорва молларига ем-хашак ҳам бўлган.

Ўзбапоядан ҳам кенг фойдаланиш мумкин бўлган. Ўзбекистонда кўпроқ бу ёқилган, лекин ундан қоғоз ишлаб чиқариш учун целлюлоз ҳам қилиш мумкин бўлган. Пахта ёғи, овкат учун кенг равишда ишлатилиши билан бирга, техникавий мақсадлар, - глицерин, стеарин мойлари, алиф ёғ, клеёнка, линолеум ва бошқа кўп нарсалар ишлаб чиқариш учун ишлатилди. Шу жиҳатдан Ўрта Осиё хусусан, Ўзбекистоннинг мамлакат иқтисодий районларидаги ўрни катта бўлган.

2. Тадқиқот усуллари:

Мавзуни ёритишда материалларини тизимли таҳлил қилишга асосланган, объективлик, тарихий изчиллик каби тарихий усуллар тўплами қўлланилади.

3. Тадқиқот натижалари:

XX асрнинг бошларидан ўлка пахтасига бўлган қизиқиш Россия империяси, кейинчалик совет ҳокимияти томонидан бу ерда пахта навларини ўрганиш, иқлимни ўрганиш, янги навларни ихтиро қилиш ишларини тезлаштириб юборди.

1929 йил Тошкентда Ленин ордени Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти (СоюзНИХИ) Ўрта Осиёда пахтачилик масалалари билан шуғулланадиган барча илмий ташкилотларни бирлаштирган Бутуниттифоқ пахтачилик илмий – тадқиқот институти ташкил этилди.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти таркибида Ўзбекистон ССРда Фарғона вилоятининг Асака шаҳрида Л.В.Румишевич номидаги Андижон филиали, Хоразмдаги Урганч филиали, Қорақалпоғистон АССРдаги Чимбой шаҳридаги филиаллари ўз фаолиятини давом эттирди. Туркменистон ССРда кейинчалик Туркменистон илмий тадқиқот институтига айлантирилган Илон-ота станцияси, Тожикистон ССРда кейинчалик Тожикистон ССР Илмий тадқиқот институтининг таркибига ўтказилган В.П.Крисичков номли Қўрғонтепа станцияси, Қозоғистон ССРдаги 1990 йилларга келиб Сирдарё вилоятининг Пахта орол худудида ўтказилган Чимкент станциялари ишлаган.

СИКП МҚнинг 1934 йил 29 августдаги “Пахтачиликда уруғчилик ишларини яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида”ги фармойишидан келиб чиқиб, институтда 1937 йилга қадар Америка, Миср, маҳаллий пахта навлари, ингичка ва ўрта толали навлар тадқиқ этилди. Бу ишларда марказ ходимларидан С.С.Канаш, П.В.Могильников, Г.С.Зайцев, Я.Д.Нагибин, Р.Р.Шредерлар фаол бўлдилар. Пахта навларини ўрганадиган майдонлар ҳам ажратилиб, 1937 йилга келганда Марказий селекция станциясининг тажриба майдонлари 1 млн.га.га етди[1].

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти таркибида бўлган Марказий селекция станциясининг ўзи ҳам 1929-1931 йилларда СССР мустақил пахтачилигини шакллантириш мақсадида селекция – уруғчилик ишларини қайта кўриб чиқиш билан шуғулланди[2]. Бугдой экинларини ўрганиш билан 1938 йилгача шуғулланди. Шунингдек, 1960 йил Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академияси фармойишига биноан Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти қошидаги Марказий селекция станцияси Ўзбекистон ССР Пахта уруғчилиги ва селекцияси Институтига айлантирилди.

1957 йилдан Бутуниттифоқ пахтачилик илмий – тадқиқот институти Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик Академияси таркибига киритилди. 1956-1957 йилларда Тожикистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Туркменистон ССР ер ишлари илмий тадқиқот институтилари очилиб СоюзНИХИ таркибида бўлган Тожик, Илон ота (ёки ИОЛОТАН), Байрам - али, Чорджўй, Қозоқ, Пахта – Орол, Қирғис тажриба станцияларига ана шу институтларга берилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик Академияси таркибига киритилган Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти 1957 йилларда республиканинг ўзида 4 та марказий ва 6 та минтақавий тажриба станцияларига эга бўлди. Институт соҳаси билан боғлиқ бўлган янги лабораториялар очилди. Жумладан, 1960 йилда “Радиацияли селекция”, 1960 йилда “Иммунитет генетикаси”, 1960 йилда “Сунъий иқлим”, 1962 йилда “Уруғшунослик”, 1965 йилда “Биохимия”, 1970 йилда “Микология”, 1973 йилда “Информация ва патентлаш”, 1976 йилда “Паст бўйли навлар селекцияси, 1987 йилда “Пахта биотехнология” лабораториялари очилди [3]. Улар республиканинг барча пахтачиликка ихтисослашган худудларида жойлашди.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтига

- пахта етиштирадиган колхоз, МТС, совхозларда иқтисод ва ишлаб чиқаришни ўрганиш;

- пахта, кўп йиллик ўтлар, маккажўхори, жўхори етиштиришда агро-техник тадбирлари;

- қиш учун тупроқ таркибини ўрганиш;

- пахта экиладиган ерларни ҳосилдорликдаги самарадорлигини оширишдаги ўрни;

- комплекс механизациялаш орқали тупроқ таркибини ўрганиш ва экинларни парваришлашни жорий этиш;
- органик, бактериал, минерал ўғитларни ишлатиш;
- шўрланган ерларда чуқур мелиорация ишларини олиб бориш;
- пахта – бедани алмашлаб экиш;
- маккажўхори ва жўхори экиш;
- машинада пахта териш;
- тупроқ-иқлим шароитларига мослашган пахта навларини ишлаб чиқариш ва қўллаш;
- пахта зараркунандаларига қарши юқори самарадорлик усулларини тадқиқ этиш каби вазифалар юклатилди.

Шунингдек, институт пахта хом ашёси, кўсак, пахта шохларини йиғиш, очилмаган пахта, кўсакларни терадиган машиналар устида ишлади[4].

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва бошқа илмий - тадқиқот муассасаларининг кўпгина тадқиқотлари натижасида экишга тупроқнинг 10 см. чуқурликда, ўртача ҳарорати 13-15 даражага етганда ва унинг янада ошиши кутилганда киришиш тахлил қилиб берилди. Бу муддат Ўзбекистон ССРнинг турли ҳудудларида турлича бўлиши тахлил қилинди. Тадқиқотларда Сурхондарё ва Қашқадарё областларида экиш учун қулай шароит 28 мартдан 15 апрелгача, Бухоро ва Сирдарё областларида 1 апрелдан 15 апрелгача, Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон ва Самарқанд областларида 5 апрелдан 15 апрелгача, Хоразм облатида ва Қорақалпоғистон АССР шимолий районларида 15 апрелдан 30 апрелгача белгилаб берилди. Ҳар йилнинг метеорологик шароитига қараб бу муддатлар 3-5 кун аввал ёки кейинга сурилиши мумкинлиги ҳам асослаб берилди. Аниқ уялаб экиш энг истиқболли бўлиб, кўп меҳнат талаб қилувчи иш – ғўзани яганалашни бекор қилади[5].

Бироқ, бу тадбир пахтачиликда кенг қўлланилмади. Яхши сифатли, тезпишар ҳосил олишда яғана қилиш муддатлари муҳим аҳамият касб этди. Бу иш 5-10 кунда, ғўзада иккита чинбарг чиққунча тугатилиши исботланди. Бутуниттифоқ пахтачилик илмий – тадқиқот институти (СоюзНИХИ) тажрибаларига кўра, ундан кейинги пайдо бўлган ҳар бир барг ҳосилдорлик 1,5-2 центнергача камайишига олиб келиши исботланди. Бироқ, кўпгина хўжаликларда ҳатто районларда яганалаш бир ой давомида ва ундан кўп вақтда ўтказилди. Ҳаттоки, пахтанинг шоналаш ва гуллаш вақтида ҳам ўтказилди, бу эса ҳосил ва унинг сифатига зарар келтирди. Яганалаш қанча кеч ўтказилса, далада қолдирилаётган ўсимликлар илдизининг зарарланиш хавфи ортди. Зарарланган илдиз тизими уни 20-30 кун давомида тўғри парвариш қилинганда ўз “иш қобилиятини” эгаллади. Бу ўсимликлар сувни, озуқа моддаларни максимал истеъмол қилиш қобилиятини йўқотди[6].

1961 йилда V типли ҳосилдорлиги юқори ва тез пишадиган тола районлаштирилди ва у асосий экиладиган пахта нави бўлиб қолди. 300-350 минг га. ерга экилгани билан вильт касаллигига қарши турадиган тип тола бўлиб қолди. Бу йилларга келганда Тошкент вилояти, Фарғона водийси, Сурхондарё вилоятининг пахта экиладиган кўп ҳудудларида вильт касаллиги тарқалган бўлиб, 500-600 минг тонна пахта кам йиғилишига сабаб бўлди. Бу яна генетикларни олдиға янги пахта навларини яратишни талаб этди.

1971 йилда институтга Туркистон селекция станцияси ташкилотчилардан бири Г.С.Зайцев номи берилди[7]. Институт олдиға қўйилган талаблар ва пахтачиликка эътиборнинг ортиб бориши билан институтнинг мақоми ҳам ортиб борди. 1977 йилда СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг 26 апрелдаги фармойишига биноан институт Бутуниттифоқ пахтачилик бўйича селекция ва уруғчилик маркази мақомига эга бўлди. Марказ олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида 1979 йилда вильтга қарши турадиган С-9063 пахта нави, 1981 йилда В.П.Страумал, А.И.Тишин, К.А. Тешабаев, В.М. Ефименко ихтиро қилган С-4880 пахта навлари Давлат синовиға берилди.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг ўзида фаолият олиб борган институт олимлари тупроқнинг унумдорлигини ошириш йўллари, пахтанинг иқтиқболли навларини яратиш борасида изланишлар олиб бордилар. Олимлар томонидан агротехник тадбирлар, алмашлаб экишни жорий этиш, кимёлаштириш, ғўзани жойлаштиришнинг янги

технологияси қўлланилди. Бу кўпроқ Андижон, Фарғона, Наманган областларида қўлланилди[8]. Хўжаликларда олимлар томонидан хўжаликларга вильтга қарши агротехника тизимлари, чигитни экиш вақтида ва экишдан аввал минерал ўғитларни солиш, механизация воситасида чеканка қилиш, кишлоқ хўжалиги зараркунандаларига ва бошқаларга қарши кураш усуллари тавсия этилди.

1970 йилларнинг бошидан бошлаб республикадаги пахта экиладиган хўжаликларда институт олимлари томонидан вильтга чидамли “Тошкент – 1-2-3”, “159-Ф”, ингичка толали пахтанинг “6030-С” каби навлари экила бошлади. Институт олимлари вильтга чидамли, тезпишар ва серҳосил тўртинчи ва бешинчи типдаги янги пахта навларини, жумладан ўртача тола берадиган “Тошкент-1”, 108-Ф, С-4727, “Қизилравот” ва бошқа навлар, шунингдек ингичка толали пахта навлари – 5904-И, 9647-И, 6249-В ва бошқа навлар экилди[9]. Институт олимлари томонидан пахтанинг 30 га яқин янги навлари ихтиро қилинди[10]. Лекин, бу навлар экилиши билан жойида яхши қарамаслик, тупроқнинг таркиби мунтазам экин экилиши, кимёвий моддаларнинг қўплаб сепилиши натижасида ҳосилдорлик камайиб борди. Ҳатто, қўплаб қўлга киритилган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишда узилишлар содир бўлди.

4. Хулоса:

Юқоридагиларга кўра шуни айтишимиз мумкинки совет ҳокимияти томонидан пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини ошириш ва пахта етиштиришда янги технологияларни жорий етишга катта қизиқиш бўлганидан далолат беради. Шу мақсада Ўрта Осиёда пахтачилик масалалари билан шуғулланадиган барча илмий ташкилотларни бирлаштирган Бутуниттифоқ пахтачилик илмий – тадқиқот институти ташкил этилди. Бутуниттифоқ пахтачилик илмий – тадқиқот институтида фаолият олиб борган олимлар Ўрта Осиёда пахтачилик масалалари билан шуғулланган ва натижада янги технологияларни қўлланиш бўйича таклифларни берганлар, пахтани иқтиқболли навларини яратиш борасида изланишлар олиб борганлар.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Всесоюзному ордена Трудового Красного Знамени научно – исследовательскому институту селекции и семеноводства хлопчатника им. Г.С.Зайцева 70 лет. – Ташкент. ВНИИССХ им. Г.С.Зайцева, 1992- С. 13.

(The All–Union Order of the Red Banner of Labor Scientific Research Institute of Cotton Breeding and Seed Production named after G.S.Zaitsev is 70 years old. – Tashkent. 1992- p. 13.)

2. Всесоюзному ордена Трудового Красного Знамени научно – исследовательскому институту селекции и семеноводства хлопчатника им. Г.С.Зайцева 70 лет. – Ташкент. ВНИИССХ им. Г.С.Зайцева, 1992- С. 9.

(The All–Union Order of the Red Banner of Labor Scientific Research Institute of Cotton Breeding and Seed Production named after G.S.Zaitsev is 70 years old. – Tashkent. 1992- p. 9.)

3. Всесоюзному ордена Трудового Красного Знамени научно – исследовательскому институту селекции и семеноводства хлопчатника им. Г.С.Зайцева 70 лет. – Ташкент. ВНИИССХ им. Г.С.Зайцева, 1992- с. 16.

(The All–Union Order of the Red Banner of Labor Scientific Research Institute of Cotton Breeding and Seed Production named after G.S.Zaitsev is 70 years old. – Tashkent. 1992- p. 16.)

4. В научно-исследовательских учреждениях//Сельское хозяйство Узбекистана. 1957, - №7, - с. 72.

(In scientific research institutions//Agriculture of Uzbekistan. 1957, No. 7, p. 72.)

5. Ўз МА Р- 837, рўйхат – 41, йиғма жилд -6161, - 8 varaқ. (The National Archive of Uzbekistan- 837, report – 41, collected paper -6161, - 8 page.)

6. Ўз МА Р- 837, рўйхат – 41, йиғма жилд -6161, -22 varaқ. (The National Archive of Uzbekistan- 837, report – 41, collected paper -6161, - 22 page.)

7. Всесоюзному ордена Трудового Красного Знамени научно – исследовательскому институту селекции и семеноводства хлопчатника им. Г.С.Зайцева 70 лет. – Ташкент. ВНИИССХ им. Г.С.Зайцева, 1992- с. 18.

(The All–Union Order of the Red Banner of Labor Scientific Research Institute of Cotton Breeding and Seed Production named after G.S.Zaitsev is 70 years old. – Tashkent. 1992- p. 18.)

8. Дехқонларнинг меҳнат жасорати//Совет Ўзбекистони. 1971 йил 23 ноябрь.

(The brevity of farmer’s labor //Union of Uzbekistani. 1971, November 23.)

9. Олим ва пахтакор – бир сафда//Совет Ўзбекистони 1977 йил 13 сентябрь.

(The scientist and agriculture employee– only staff //Uzbekistan Union 1977 was held on September 13.)

10. Пахта даласининг илмий уфқлари//Совет Ўзбекистони. 1978 йил 8 февраль.

(Agricultural scientific basements// Union of Uzbekistan. 1978, February 8)

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 7

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000